
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ!

Жорий йилнинг 28 сентябрь куни Риштон шаҳри ва Италиянинг Дерута шаҳарларининг ҳокимлари ва фаоллари ўртасида кулолчилик ҳамда савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан онлайн учрашув ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров ҳамда Италия вакили сифатида Дерута шаҳар мэри Michele Toniaccini, ижтимоий-иқтисодий соҳа вакиллари ва Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев, туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Жўрабоевлар иштирок этдилар.

Ушбу онлайн учрашув дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда самарали фаолият олиб боришга, шунингдек хорижда Риштон имиджини илгари суриш ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда дўстлик жамиятлари ролини оширишга қаратилган.

Тадбир кўтаринки руҳда ўтказилиб, иштирокчилар келгусида ҳам дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бундай учрашувларни тез-тез ўтказилишини белгилаб олдилар.

Учрашув якунида Италиянинг Дерута шаҳри билан Риштон тумани биродар шаҳар бўлишга ва барча соҳаларда иқтисодий ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга розилик билдириб, жорий йилнинг 27 ноябрь куни Риштон шаҳри делегациясини Италиянинг Дерута шаҳрига ташриф буюришлари келишиб олинди.

2021-09-29 16:47:13